

Ўзбекистон Республикаси номидан Х У К М

2021 йил 20 сентябрь куни жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья Я.Ниёзовнинг раислигида, Р.Мерзаевнинг котиблигида, томонлардан давлат айбловчиси Когон шаҳар прокурори катта ёрдамчиси Т.Қобилов, судланувчи Н.Шеров ва унинг ҳимоячиси - адвокат Ф.Аслонов, судланувчи З.Шоджонова ва унинг ҳимоячиси - адвокат Б.Рахмонов ва жабрланувчи М.Абдуллаева, Ж.Турсуновнинг иштирокида №1-2011-2101/87-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Шеров Нурулло Рамазонович /Sherov Nurullo Ramazonovich/, 1982 йил 26 январда Бухоро вилояти, Бухоро шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2014 йил 4 февраль кунидаги ажримига кўра ЖКнинг кодекси 168-моддаси 2-қисми “а,б,в” бандлари, 28,209-моддаси 1-қисми ва 229-моддаси билан бўлган жиноят иши 2013 йил 12 декабрь кунидаги “Амнистия акти”га асосан тугатилган;

2) жиноят ишлари бўйича Жондор туман судининг 2016 йил 12 апрель кунидаги ҳукмига кўра ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 179-моддаси билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазо ўталган, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланди, Бухоро тумани, Дўстлик маҳалласи, Зарафшон кўчаси 33-уйда яшайди, иш бўйича



гаров эҳтиёт чораси қўлланилган,
айблов хулосаси нусхасини 2021
йил 10 августда суддан олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а”
банди, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан
айбланган.

Шоджонова Зарина Бозоровна
/Shodjonova Zarina Bozorovna/, 1974
йил 16 ноябрда Бухоро вилояти,
Бухоро шаҳрида туғилган, миллати
ўзбек, Ўзбекистон фуқароси,
маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2
нафар фарзанди бор, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Вобкент
туман судининг 2012 йил 17 декабрь
кунидаги ажримига кўра ЖКнинг 167-
моддаси 2-қисми “а,б,в” бандлари, 209-
моддаси 2-қисми “а” банди билан
бўлган жиноят иши 2012 йил
5 декабрь кунидаги “Амнистия акти”га
асосан тугатилган;

2) жиноят ишлари бўйича Бухоро
шаҳар судининг 2020 йил 29 сентябрь
кунидаги ҳукмига кўра Жиноят
кодекси 228-моддаси 2-қисми
“а,б” бандлари билан Жиноят кодекси
45-моддасини қўллаб 1 йил муддатга
риэлторлик билан боғлиқ фаолият
билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум
қилиниб, ойлик иш ҳақининг 20
фоизини давлат даромади ҳисобига
ушлаб қолиш шарти билан 2 йил
муддатга ахлоқ тузатиш ишлари
жазоси тайинланган, жиноят ишлари
бўйича Бухоро шаҳар судининг 2021
йил 19 июлдаги ажрими билан 2 ой 27
кун қўшимча жазодан ҳамда 1 йил 3 ой
16 кун ахлоқ тузатиш ишлари
жазосидан ЖКнинг 73-моддасига
асосан муддатидан илгари шартли
равишда озод қилинган, Бухоро
шаҳридаги “Риелти Инвест Менс”
хусусий корхонасида иш бошқарувчи,



Бухоро шаҳар, Фурқат маҳалласи,
Бўстон кўчаси 22-уйда яшайди, иш
бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш
тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси
қўлланилган, айблов хулосаси
нусхасини 2021 йил 10 августда
суддан олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а,б”
бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчилар ва жабрланувчиларни тинглаб,
жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд
бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Н.Шеров 2017 йил 6 октябрь куни фуқаро Йўлдошев
Юнус Юсуфович номида бўлган Бухоро туман Дўстлик
маҳалласи Мевазор кўчаси ҳудудида жойлашган умумий ер
майдони 400.0 квадрат метр бўлган бино иншоотни “Асл
Кўчмас Мулк Савдо Риэлтор” масъулияти чекланган жамияти
риэлтори З.Шоджонова орқали фуқаро Абдуллаева Мақсад
Ражабовнанинг номига 115-сонли савдо баённомаси орқали
Ю.Йўлдошевнинг имзосини ўзи қўйиб расмийлаштириб
берган бўлса-да, 2019 йил март ойига келиб фуқаро Турсунов
Жўрамурот Сувоновични алдаб, унинг ишончини суистеъмол
қилиб, “Асл Кўчмас Мулк Савдо Риэлтор” масъулияти
чекланган жамияти риэлтори Шоджонова Зарина Бозоровна
билан ўзаро жинорий тил бириктириб, Бухоро туман Дўстлик
маҳалласи Мевазор кўчасида жойлашган умумий ер майдони
400.0 квадрат метр бўлган бино иншоотни фуқаро
Ж.Турсуновга сотишини билдириб, ушбу ер майдонини уни
номига ҳам “Асл Кўчмас Мулк Савдо Риэлтор” масъулияти
чекланган жамияти орқали 2017 йил 6 октябрь кунидаги 115-
сонли савдо баённомаси орқали Ю.Йўлдошевнинг имзосини
ўзи қўйиб расмийлаштириб бериб, ундан 7.500 АҚШ доллари
миқдоридаги пулларини алдов йўли билан қўлга киритиб,
ушбу пулларни ўзининг шахсий манфаатлари йўлида
сарфлаб, жабрланувчи Ж.Турсуновга 62.805.750 сўм анча
миқдорда моддий зарар етказиш йўли билан фирибгарлик ва
муайян ҳуқуқ берадиган ҳужжатларни такроран
қалбакилаштириш жиноятини содир қилган.

Судланувчи Н.Шеров айбига тўлиқ иқрорлиги, 2016 йил
январь ойларида қайнотаси Юлдошев Юнус фуқаро Носиров
Барнодан Бухоро туман Дўстлик маҳалласи Мевазор



кўчасида жойлашган тахминан 1-1,5 гектар ер майдони ва бино иншоотларни сотиб олиб, ўз номига хужжатлаштирганлиги, 2017 йил октябрь ойида таниши Б.Носиров уни ўз олдига чақиртириб суҳбатлашганликлари, қайнотасининг номида бўлган Бухоро туман Дўстлик маҳалласи Мевазор кўчасидаги объектдан бироз қисмини Абдуллаева Мақсаднинг номига олди-сотди қилиб беришини, унга бериши лозим бўлган пулларни тайёрлаши билан яна ер майдонини қайтариб олишини айтганлиги, у Б.Носировни таклифига рози бўлганлиги, 2017 йил 6 октябрь куни Б.Носировнинг илтимосига кўра фуқаро М.Абдуллаевага Бухоро туман Дўстлик маҳалласи Мевазор кўчасида жойлашган бино иншоотларнинг 12, 13, 14-ва 21-қисмларини олди-сотди шартнома орқали расмийлаштириб берганлиги, бино жойлашган ер майдони қайнотаси Ю.Юлдошевга эмас, балки унга тегишли эканлиги, Б.Носиров унга иншоот жойлашган ер майдонини бир ойга гаровга қўйишга илтимос қилганлиги учун рози бўлганлиги, Б.Носиров пулни бермаганлиги учун иншоот жойлашган ер майдонини сотганлиги, у кейинчалик Б.Носиров томонидан қилинган гаров шартномаси бекор қилинмаганлигини билганлиги, фуқаро Турсунов Жўрамурот Сувоновичга нотурар бино жойлашган ер майдонини 2019 йил март ойида 7.500 АҚШ доллари пулга сотганлиги, тергов жараёни вақтида Ж.Турсуновга 7.500 АҚШ доллари пул тўлиқ қайтариб берганлиги, бино жойлашган ер майдони 7,5 сотих эканлиги, ер майдонини сотувга риэлторлик фирмаси орқали чиқарганлиги, риэлтор билан шахсан ўзи учрашганлиги, Юлдошев Юнус риэлторлик фирмасига бормаганлиги, риэлторлик фирмасида М.Абдуллаева ва Ж.Турсуновга хужжатларни расмийлаштириб беришда хужжатларга Юлдошев Юнус ўрнига шахсан ўзи имзо қўйганлиги, имзо қўйганлигидан қайнотаси Ю.Юлдошев хабари бўлмаганлиги, жабрланувчига етказилган зарар қопланганлиги, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи З.Шоджонова айбига тўлиқ иқрорлиги, 2017 йил 6 октябрь куни 400,0 квадрат метрдан иборат бўлган нотурар жой участкасини фуқаро М.Абдуллаевани номига олди-сотди шартномасини расмийлаштириб берганлиги, хужжатларни Н.Шеров олиб келганлигини, тўловларни М.Абдуллаевани турмуш ўртоғи қилганлиги, кейинчалик 2019 йилга келиб Н.Шеров бино иншоотлар ва ер майдонини О.Турсуновнинг номига олди-сотди қилиш



кераклигини айтганлиги, у ҳужжатлаштириш ишларини амалга ошириб, олди-сотди шартномаларини расмийлаштириб берганлиги, 2.000.000 сўм тўловни Турсунов Жўрамурот амалга оширганлигини, Ж.Турсуновга олган ушбу суммани қайтариб берганлиги, риэлторлик фирмасида даставал кадастр ҳужжатлари тақдим қилиниши, фирма тегишли идораларга сўров хатларини юбориб, жавобларни олиши, улар объектни тўғридан-тўғри сотиб билмасликлари, томонлар шартнома тузилаётган вақтда шартнома мазмуни билан танишган эканлиги, қиймат баҳоси шартнома шартларида бўлганлиги, шартномани тугатилиши ёки бекор қилиш шартлари белгиланган бўлиб, шартнома иккала томон аризалари асосида ёки суд тартибида бекор қилиниши белгиланганлиги, агар шартнома иштирокчиси тегишли пул тўловини тўлаш мажбуриятини бажармаса, шартнома ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги, унга эълон қилинган айбловни тан олишини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслигини, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи Ж.Турсунов 2019 йилда Н.Шеров унга сотиладиган ер участкаси борлигини айтганлиги, Н.Шеров билан ер майдони кўрганлиги, унга маъқул бўлганлиги учун ер майдонини 7.500 АҚШ доллари Н.Шеров билан келишиб, унга 7.500 АҚШ долларини берганлиги, ер майдонини ҳужжатларини расмийлаштиришни Н.Шеров ўзи амалга оширганлиги, у фақат ҳужжатларга имзо қўйганлиги, сотиб олган ер майдонига катта машиналарга қум келтирганлиги, бир йилдан сўнг унинг ёнига М.Абдуллаеванинг ўғли келиб, у сотиб олган ер майдони кадастр ҳужжатларини кўрсатиб, ушбу ер унинг ери эканлигини ва бу ерда иш қилиши мумкин эмаслигини билдирганлиги, Н.Шеров олдида бориб юзага келган ҳолатга оидинлик киритиши ҳақида сўраганлиги, кейин ўзаро тушунмовчилик тортишувлар бошланганлиги, у ариза билан ИИБга мурожаат қилганлиги, тергов давомида судланувчи Н.Шеров унга 7.500 АҚШ доллари пулини, риэлторлик фирмасида ишлайдиган З.Шоджонова эса унга ҳужжатлар учун у тўлов қилган 2.000.000 сўм пулини қайтариб берганликлари, унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги, судланувчиларга нисбатан даввоси йўқлиги, судланувчиларга нисбатан қонуний енгиллик беришини сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи М.Абдуллаева 2017 йил 6



октябрь куни Носиров Барно ўзига тегишли бўлган 400,0 квадрат метрдан иборат бўлган 2 та участкасини унга отаси Р.Абдуллаев олдидаги қарзини ёпиш учун ҳужжатлаштириб берганлиги, ҳужжатлаштириш ишларини амалга ошириб, олди-сотди шартномасини риэлторлик фирмасида Шожонова Зарина исмли аёл расмийлаштириб берганлиги, тўловларни турмуш ўртоғи Солиев Фарход қилганлиги, ҳужжатларни расмийлаштирганидан сўнг ўзининг номига кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб ҳам олганлиги, ер учун солиқни тўлаб келаётганлиги, ушбу ер майдонида цех қурмоқчи эканлиги, унинг ўғли ушбу ерда Турсунов Жўрамурот қум келтириб қурилиш ишларини бошлаганлигини айтганлиги, у кейин унинг ер майдони Ж.Турсуновга ҳам сотилганлигини билганлиги, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлиги, судланувчиларга нисбатан қонуний енгиллик беришини сўраб кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчиси ва ҳимоячиларнинг хулосасини, судланувчилар ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, уларнинг жиноят содир этишдаги айби Н.Шеров ва З.Шоджоноваларнинг иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, дастлабки тергов ва судда сўроқ қилинган жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, олиб қўйилган ҳужжатлар, ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор, тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишида мавжуд бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов томонидан судланувчи Н.Шеровнинг жинойий ҳаракатлари ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Н.Шеровнинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган моддий зарар қопланганлиги Жиноят кодекси 55-моддада назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолайди.

Суд, судланувчи Н.Шеровнинг ҳаракатида Жиноят кодекси 56-моддада назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Н.Шеровга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг шахси, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, жиноят оқибатида жабрланувчига етказилган зарар



қопланганлигини, ЖКнинг қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик тамойилларига асосланиб, инсонпарварлик принципининг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинлаш лозимлигини назарда тутиб, у айбланаётган ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди ва ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши сабабли ЖКнинг 45-моддаси тартибида қўшимча жазо тайинламасликни ҳамда ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил жазо тайинлашни лозим топади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи 3.Шоджонованинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи 3.Шоджонованинг аёллигини, оилавий ва моддий шароитини ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолайди.

Суд, судланувчи 3.Шоджонованинг ҳаракатида ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи 3.Шоджоновага нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг шахси, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, ЖКнинг қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик тамойилларига асосланиб, инсонпарварлик принципининг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинлаш лозимлигини назарда тутиб, у айбланаётган ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши сабабли ЖКнинг 45-моддаси тартибида қўшимча жазо тайинламасликни лозим топади.

Биобарин, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 декабрдаги “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунига кўра, риэлторлик фаолияти - юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолиятидир.

Шунингдек, суд жиноят оқибатида жабрланувчига



етказилган моддий зарар қопланганлигин инобатга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471, 473-моддаларини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорини раҳбарликка олиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Шеров Нурулло Рамазонович /Sherov Nurullo Ramazonovich/ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Шеров Нурулло Рамазонович /Sherov Nurullo Ramazonovich/га ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан 1 /бир/ йил 6 /олти/ ой аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Шеров Нурулло Рамазонович /Sherov Nurullo Ramazonovich/ ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а,б” банди билан 2 /икки/ йил аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасига асосан Н.Шеровга тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаш шарти билан 2 /икки/ йил 6 /олти/ ой аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати Н.Шеров корхонада иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижроси ҳукм ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойда ўтаттирилсин.

Ҳукмнинг ижроси Бухоро тумани ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Н.Шеровга қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва гаров предмети сифатида топширилган 10.000.000 сўм пул маблағи Н.Шеровга қайтарилсин.

Шоджонова Зарина Бозоровна /Shodjonova Zarina Vozogovna/ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.



Шоджонова Зарина Бозоровна /Shodjonova Zarina Vozorovna/га ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаш шарти билан 2 /икки/ йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 3.Шоджонова корхонада иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижроси ҳукм ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойда ўтаттирилсин.

Ҳукмнинг ижроси Бухоро шаҳар ИИО Пробация бўлинмаси зиммасига юклатилсин.

3.Шоджоновага нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жиноят оқибатида жабрланувчига етказилган зарар қопланганлиги инобатга олинсин.

Ашёвий далил деб топилган ҳужжатлар жиноят ишига қўшилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида Бухоро вилоят судига апелляция тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи
Ниёзов

/имзо/

Я.К.

Нусхаси аслига тўғри

Маъсул судья: Ниёзов Яшин Комилжонович

